

Божхона идораларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи мураккаб жараён бўлиб, хар кандай марказлашган давлатнинг барпо этилиши баробарида ташки иктисодий алокаларнинг кенгайиши ва товар айрибошлашнинг пайдо бўлиши натижасида бир катор институтлар шаклланишига имкон яратиб, улар кейинчалик божхона хизматининг ўзагини ташкил этган.

Божхона сиёсатида «Божхона Низом»лари ташкилий асос хисобланиб, улар янгидан 1819, 1857, 1892 ва 1906 йилларда кабул килинган. Илк бор божхона иши тўгрисидаги ташкилий масалаларни хал килиш Россия империяси Савдо Вазирлигида, ундан сўнг эса Молия Вазирлигида амалга оширилган.

1867 йилда Туркистон ўлкасини бошкариш учун ишлаб чикилган «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошкариш хакидаги коидалар лойихаси» Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгандан кейин ўлкада божхона ишини юритишнинг дастлабки хукукий асоси бўлган. Унга кўра 1868 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бошка масалалар катори закот ишларини юритиш учун Хўжалик бошкармаси ташкил этилиб, у чегара ортидан келаётган хар бир карвондан шариат бўйича белгиланган микдорда закот ундириш билан шугулланган.

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида 1872 йил 1 апрелда Закот бошкармаси ташкил этилган. Мазкур Закот бошкармаси аслида махаллий закотчиларга ишонмаслик натижасида вужудга келган эди. Закот бошкармасининг асосий вазифаси Туркистон ўлкасига келган ёки чикиб кетаётган карвонларни рўйхатга олиш, юкларнинг кийматини аниклаш, юк ва чорва молларидан закот ундиришдан иборат эди. Кириб келаётган ёки чикаётган карвонларни назорат килиш учун чегараларда махсус закот масканлари фаолият юритар эди. Бу даврда закот тўлови давлат хазинасига тушиб, у карвон йўлларини таъмирлаш ва карвонсаройларнинг ички эхтиёжи учун бериларди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг 1874 йил 3 майдаги фармонига мувофик, Туркистон ўлкасида кўлланувчи Савдо-сотик ва бож хакида «Низом» тасдикланиб, у дастлаб 4 йил муддатга вактинчалик чора сифатида кучга кирган.

1875 йилдан Туркистон Закот бошкармасининг тугатилиши туфайли, ўлка 1881 йилгача божхона назоратидан четда колди. Бу вакт давомида кўшни хонликлардан олиб келинадиган чойга нисбатан ўрнатилган биринчи бож ва бошка тўловларни ундиришга

хам хеч кандай идора жалб этилмади. Вужудга келган бу вазият Россия империяси хукуматини тахликага солиб кўйди. Биринчидан, Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида имзоланган шартномаларга кўра, бу худудлардан кириб келаётган махсулотлардан божхона тўловлари ундирилмас эди. Россия бюджети ва иктисоди учун бу катта зарба бўлиши мумкин эди. Иккинчидан, Туркистонга хорижий давлатлар махсулотлари олиб келиниши Марказий Осиёни рус саноати моллари сотиладиган кулай бозорга айлантиришни хохлаган ва шунга харакат килиб келаётган Россия хукмрон доиралари сиёсатига тўгри келмас эди.
1881 йилнинг декабрь ойида Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Г.А. Колпаковский ўлкага гарбий Европа ва Осиё махсулотларининг кириб келишига чек кўйиш максадида Мувакκат божхонага оид коидаларни тасдиклаган: Ўрта Осиё хонликларида ишлаб чикарилган барча турдаги махсулотларни Туркистон генерал-губернаторлиги худудига божсиз олиб киришга рухсат этилсин; барча инглиз-хинд (кўк чой, дока (кисея) ва бўёк (индиго) дан ташкари), Европа, Туркия ва Эрон махсулотларини Туркистон генерал-губернаторлигига олиб кириш катъиян таъкиклансин; бир пуд брутто чой учун 14 рубль 40 копеек, дока учун 6 рубль ва бир фунт бўёк учун 1 рубль микдорда бож ставкалари белгилансин; бож ундириш рус кредит рублларида амалга оширилсин; олиб кирилиши таъкикланган ёки бож тўланиши лозим бўлган махсулотлар божхона назоратидан яшириб олиб кирилган такдирда мусодара килиниб, ундан тушган пулнинг 25% эса божхона муассасаларининг махсус фондига ўтказилсин.
Бож соликлари йигишнинг назорати ва муаммоли ишларни хал килиш вилоят бошкарувининг хўжалик бўлимларига юклатилган бўлиб, 1885 йилгача Фаргона вилоятидаги божхона вазифаларини аввалгидек, закот йигувчи ташкилотлар амалга оширарди.
Давлат Кенгашининг 1886 йилда тасдиклаган карорига кўра Туркистон ўлкасида божхона кисмини бунёд этиш ва уни бошкариш Россия империясининг Молия Вазирлигига юкланди. Бу давргача божхона идораларини назорат килиш Гарбий Вазирлик ихтиёрида бўлган.
Вакт ўтиши билан Туркистонда божхона иши бошкарувининг норматив хукукий базасини Россия хукмрон доира вакиллари ишлаб чиккан кўпгина кўлланмалар, вактинча конун-коидалар оркали амалга оширилган. Масалан, 1889 йили Вактинча божхона коидалари кабул килинган бўлиб, уларда Туркистонга кўшни хонликлардан ва Хитойдан келтирилган товарларга кўйилган солик йигимлари ишлаб чикилган.
Молия вазири томонидан Ўрта Осиё бозорларида кучли савдо-саноат монополиясини ўрнатиш хакидаги масала кўтарилиб, 1892 йили Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Россия билан ягона божхона тизимига киритиш хакида ислохот лойихаси тайёрланиб, божхона чегараси Бухоро-Афгон чегарасига ўтказилди. Лойихага мувофик Туркистон округи тузилиб, унда 16 та божхона идораси ташкил этилди.
Ўрта Осиёда янги хукукий меъёрлар асосида ташкил килинган империя божхона идоралари минтакада метрополия иктисодий манфаатларини тўла таъминлаш, бу худудда ўз савдо монополиясини карор топтириш максадида бож тизимини хам тубдан ўзгартириб, шу максадларга хизмат килувчи бож сиёсатини юритди.

Чинпўлат КУРБОНОВ ("Мозийдан садо")